

## ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРДА ХОЛИСЛАР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Тажиев Азамат Алибаевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Тергов фаолияти кафедраси катта  
ўқитувчisi Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

**Сайдазимов Миржалол Норийигитович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Тергов фаолияти кафедраси  
ўқитувчisi

**Жумабоев Фируз Шухрат ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияс 321-гурух курсанти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида холислик институтининг муҳокамаси ва уни ҳукуқий тартибга солишнинг муаммоли томонлари аниқланиб, унинг мавжудлиги ва мақсадга мувофиқлиги таҳдил қилинади. Жиноят процессида холисларнинг иштирокининг муқобил варианти ҳисобланади.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается и анализируется институт понятых в уголовном судопроизводстве Республики Узбекистан. Выявляются проблемные аспекты в его правовой регламентации и анализируется целесообразность его существования как такового. Предлагается альтернатива участию понятых в уголовном процессе.

Айрим Ўзбекистонлик жиноят процесси ҳукуки олимлари ва айниқса ҳукукни муҳофаза қилиш органлари ходимлари процессуал ҳаракатларда холислик иштирокини жиноят процесси қонунчилигига фойдаланиши ради этиш ёки холислар иштирокини тергов ҳаракатларида таъминлаш ихтиёрий равищда этиб белгилаш каби фикрларни илгари сурадилар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига холислар институтининг тақдири тўғрисида фаол мунозаралар бўлиб ўтди, қўпгина муаллифлар холисларни танлаш, таклиф қилиш ва улардан фойдаланиш қийинчиликларни ҳақли равищда таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигига холислик институти мавжуд, аммо қолган дунёнинг ривожланган мамлакатларида эса мазкур амалиёт уларнинг қонунчилигидан аллақачон чиқарилаган. Ўзбекистонда маълум проуцессуал ҳаракатларда холисларнинг иштироки алоҳида рўй ўйнайди деб таҳмин қилиш мантиқан тўғри, лекин савол туғилади: агар бизнинг холислик институтимиз самарали бўлса, нима учун ҳукукий тизимларни бирлаштиришнинг глобал тенденсияси фонида бирон бир мамлакат уни ўз қонунчилигига қолдирмади?



Процессуал ҳаракатларда холис сифатида жиноят ишининг натижасига қизикмайдиган, ишга дахлдор бўлмаган шахсларни жалб этилиши кенг жорий этилган ва бу қатъий белгилаб қўйилган қоида, лекин шунда ҳам холислардан ҳуқуқий маданият, маълум бир интелектуал ва ахлоқий, шунингдек жиноий процессуал тушунчалар ҳамда ҳолатларни идрок эта олиш қобилияти талаб қилинади, аммо бир ҳолатни инобатга олиш зарур, масалан: холислар тергов ҳаракати баённомасига илова қилинган режалар ва схемаларни тасдиқлашлари керак. Шу билан бирга, ҳар бир киши топографик белгилар ва планиметрияни тушунмайди. Бундан ташқари, ҳужжатларда уларга таниш бўлмаган маҳсус лугат (техник атамалар) ишлатилиши мумкин, бироқ холисларнинг аксарияти ҳужжатлаштириш жараёнини чўзиши истамасдан мазкур атамаларнинг маъносини мансабдор шахслардан тушунтиришларини сўрашмайди, бу эса холислар томонидан ўтказилаётган процесснинг мазмунини тушунмасликка олиб келади.

Холислар суриштирувчи, терговчи томонидан олинган маълумотларни тасдиқлади, аммо уни принципиал равишда назорат қила олмайди, ва бунга етарли билимлари ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, агар холис ҳуқуқий билимга эга бўлмаса, бундай ҳолатда процессуал ҳаракатларни қонунга асосланган ҳолда ўтказилаётганлиги ёки қонун бузилиш ҳолатлари кузатилаётганлигини кўриш ва билиш имкониятига эга бўлмайди, бунда фақат бир томонлама далилиар мақбуллигига риоя этилиш ҳаракатлари бор бўлиб қолади.

Бундан ташқари, ҳар қандай терговчи ўз амалиётида фуқаролар томонидан турли тергов ҳаракатларида холис сифатида қатнашишни сўрашганида ҳар хил сабабларга кўра қочиш ҳолатлари кузатилади, албатта бунинг сабаблари: вақт йўқлиги ва етмаслиги, жиноятчидан қўркиш, "судларда юришни" истамаслик ва ҳоказо. Масалан эксгумация тергов ҳаракати таббий жирканчликни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, холислардан ўз вазифаларини виҷданан бажаришларига эришиб бўлмайди.

Тергов ҳаракатларида холисларининг пассив иштирок этиши ва фақат билвосита уларни тасдиқлаганликлари туфайли, уларнинг аксарияти ишни эслай олмаслиги ва бирон бир изоҳ олишнинг имкони бўлмай қолиши кузатилади.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, жиноят ишлари айрим сабабларга кўра бир неча ой ёки йиллардан сўнг судда қайтадан кўрилаётганда ўтказилган тергов ҳаракатларида иштирок этган холислар ишнинг мазмунини умуман эслай олмаслиги ва фақатгина тергов ҳаракати баённомасидаги имзо уларга тегишли эканлигини тасдиқлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 73-моддасида жиноят иши натижасига қизикмаган шахс холис бўлиши мумкин, шунингдек дастлабки тергов давомида манфаатдор томонларни белгилаш мумкин эмас. Муаммонинг яна бир томони бор. Кўпгина терговчилар ва тезкор ҳодимлар тасдиқлаш ёки рад этиш талаб қилинадиган ҳолатларда тайёр бўлган "ўзларининг", "тасдиқланган", деярли "доимий" холисларига эга. Ушбу амалиётнинг мавжудлигини қўплаб адвокатлар томонидан

тасдиқланган ва кузатилган, ва бу ҳолатлар қўпинча дастлабки тергов босқичида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширув натижасида аниқланади. Базан хатто фамилиялар ва холисларнинг манзиллари шунчаки ўйлаб топилади. Айрим терговчилар мазкур ишларни профессионал амалга оширишлари натижасида манзил бюросидан баён этилган холисларнинг яшаш манзилларини киритсангиз бошқа шахсларнинг яшаш манзили келиб чиқади.

Қонунчиликка қўра вояга етмаганлар холис сифатида иштирок этишлари мумкин эмаслиги кўрсатилган. Аммо шубҳасиз холислар, биринчи навбатта, воқеаликни идрок эта олиш, уларни эслаб қолиш ва агар керак бўлса судда ҳақиқий гувоҳлик бериш қобилиятига эга бўлишлари керак. Холисларнинг айрим тергов ҳаракати баённомаларида уларнинг ташки қиёфалари ва жисмоний нуқсонларини акс эттиришнинг имконияти йўқлигини инобатга олиб яширин жисмоний ва ақлий нуқсонлар билан (кўр, кар, соқов ва б.ш.) қатнашиш ҳолатлари ҳам кузатилиб турмоқда. Шундай қилиб холислик институти тугатилиши тарафдорлари шу каби муаммо ва таклифларни келтиришади.

Холислик институти тугатилишига қарши бўлган олим ва амалиётчилар фикирларига қўра, жумладан олим С.А.Шеифер тарьиғатчи, мунозалар пайтида холислар институти тугатилиши бўйича тавсиялар нотўғри эканлиги ва кўп йиллик амалиёт шуни қўрсатадики Ўзбекистон учун анъанавий холислик институти жуда самарали ва кафолатлидир. Шунингдек алоҳида ҳолатларда, холисларни жалб қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар вужудга келганда ёки бунинг имконияти йўқ бўлганда, ёхуд уларнинг хаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлган ҳолларда холисларни иштирок эттирмаслик, аммо ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш мажбурий техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб борилиши ва натижалари расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқлигини тарьиғатлаганлар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришишгача бўлган даврда эски таҳrirдаги жиноят процессуал кодексига қўра холислик институти “Дастлабки терговни амалга оширишнинг умумий шартлари” бобида бўлган, аммо мустақилликка эришганимиздан сўнг 1992 йил 22 январь куни қабул қилинган янги таҳrirдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексида холислик институти “Жиноят процессининг бошқа иштирокчилари” бобига киритилди ва уларга алоҳида хукуқий мақом берилди.

Жиноят қонунчилигига қўра тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этиши мумкин бўлмаган шахслар деб: Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчиларнинг яқин қариндошлари, шунингдек хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, тезкор қидирав ва дастлабки терговни амалга оширувчи шахслар ва б.ш. белгиланган.

Илмий адабиётларда ушбу рўйхатни тўлдириш билан боғлиқ таклифлар мавжуд бўлиб, ушбу таклиф муалифи В.М.Биков, қўйидагиларни баён этган, яъни қўшимча равишда саводсиз шахслар, шунингдек соғлиги холисларнинг ўз вазифасини бажариш

имконини бермайдиган шахслар холис сифатида иштирок этишлари мумкин эмас деб белгилаш мақсалга мувофиқ бўлади..

Менинг ҳам юқоридагилар юзасидан ўз таклифим бор бўлиб, бу айнан иштирок этишга монеълик қиласидан ҳолат сифатида холис тариқасида жалб қилинаётган шахс спиртли ичимликлар истеъмол қилганигини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

А.А.Гридчиннинг фикрига кўра холислар маълум бир тергов ҳаракатларида иштирок этаётганда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бевочита ташқи қўринишлари никобланиши керак эканлигини, чунки келгусида айбланувчи холисни учратганда уни танимаслик ва муайян бир адова замирида салбий ҳаракатлар амалга ошира олмаслик имконини яратиб беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т-2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т-2023 йил
3. Б.Н.Рашидов ва бошқа муаллифлар жамоаси. Жиноят процессуал ҳукуқи. Т-2021 йил.
4. В.М.Биков. Участие понятых в следственных действиях. Москва 2009 год.
5. А.А.Гридчиннинг. Статус понятых и их права и обязанности. Москва 2017 год.
6. С.А.Шеинфер. Участники уголовно процесса. Москва 1999 год.